

# №1 ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Наманган шаҳар

2022 йил “18” июл

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Наманган минтақавий БХО номидан Бош ишончнома асосида иш юритувчи Файбуллаев Мирзаолим Иброхимжонович бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи “Uychi Mega Stroy” МСНД номидан устав ва таъсисчилар умумий йигилиш карори асосида иш юритувчи директор Сирожиддинов Зокиржон Содиқжонович иккинчи томондан шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

## I. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ушбу шартномада белгиланган муддатда Буюртмачининг топшириғи билан Наманган шаҳар, Янги Наманган тумани, И.Каримов кўчаси 19 уй манзилда жойлашган Банк биноси тасдиқлаган лойиха асосида кўрсатилган фасад қисмини капитал таъмирлаш бўйича ишларни мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва келишилган хақни тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ҚҚС билан 4 744 716 449 (Тўрт миллиард етти юз қирқ тўрт миллион етти юз ўн олти минг тўрт юз қирқ тўққиз) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Ишлар қиймати қўйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:

- Таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг Таъмирлаши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, шартномага тегишли ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишув билан расмийлаштирилади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- Таъмирлаш майдонига зарур Таъмирлаш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, Таъмирлаш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборига жойлаш ва сақлаш;

- Ўз кучи ва воситалари билан материаллар, курилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча мувакқат биноларни қуриш;

- Буюртмачини пудрат шартнома тузилиш давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- Таъмирлаш майдончасида техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда Таъмирлаш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурый тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

- Таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда Таъмирлаш майдонини ўзига тегишли Таъмирлаш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, Таъмирлаш-монтаж материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- пудратчи ўз ходимлари ва субпудратчиларнинг ходимлари томонидан ишларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда бажарилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

- пудратчи ёки субпудратчининг ходимлари томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар учун Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

#### **IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

##### **4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:**

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган Таъмирлаш майдонини объект Таъмирлаши ва Таъмирлаш-монтаж тугаллангунга қадар бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартноманинг 1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига хақ тўлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк ши куни ичида 30% аванс тўловини ўтказиб бериш;

- объектни топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 15 кун ичида объектни қабул қилиб олиш ёки камчиликлар аниқланганда қабул қилишдан бош тортиш.

#### **V. Ишларни бажариш муддатлари**

##### **5.1. Ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан кейин кучга киради.**

5.2. Пудратчи шартнома кучга киргандан сўнг ва шартнома баҳосининг 30% микдорида аванс тўлови ўзининг хисоб ракамига келиб тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Таъмирлашнинг давом этиш ва якунлаш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 6 (олти) ойни ташкил этади.

5.4. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоб**

##### **6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг**

30 фоизи миқдорида авансни ушбу шартнома имзоланиб, қонуний кучга кирганидан сўнг 15 (ўн беш) банк иш куни ичида ўтказади.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, Пудратчи томонидан амалда топширилган ишлар қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилади. Бунда 95 фоиз доирасидаги охирги тўлов объектда банк назорат ўлчови ўтказилгандан сўнг ва Буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади.

6.3. Таъмирлани тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган ва ишларнинг кафолатли муддати тугагандан сўнг ишлар қийматининг 5 фоизи миқдоридаги тўлов амалга оширилади.

6.4. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VII. Коррупцияга қарши шартлар

7.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётгандан уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион харакатларни тўлиқ таъкиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблаглари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий характердаги хизматлар, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишини таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёsat ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиласидилар.

7.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чогида на ўzlари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишини таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлади.

7.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт. Ёзма хабарномалар “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан ташкил этилган жисмоний ва юридик шахслар учун коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс ишонч линияси” каналлари (тел:0-800-120-8888, веб сайт [www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz), Telegram мессенжер SQB AntiKor (@sqbantikor\_bot) орқали амалга оширилади.

7.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқин ҳакида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳакли.

7.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор килган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб

қилишга ҳақли. Заарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равища тасдиқланган далолатномада белгиланган муддат ва микдорда амалга оширилади.

### **VIII.Ишларни бажариш**

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўйимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

8.2. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

### **IX. Ишларни қўриқлаш**

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Бажарилган ишлар ва вақтинчалик иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X.Енгиб бўлмайдиган куч**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишинига бевосита таъсир этса, бунда томонлар мажбуриятни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини;

- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларда кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиши ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 1 (бир) йил қилиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин Тъмирлашнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- Пудратчи томонидан ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганда;

- Конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
  - Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.
- 13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўйим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- 13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
- 13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларининг мулкий жавобгарлиги**

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликга тортилади.

14.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги ўз вақтида молиялаштирулмаганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи пудратчига тўлов кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Пудратчи обьектни таъмирлаш ишларини муддатида бажармаган тақдирда, ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлик учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун шартнома суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун пудратчи буюртмачига баратараф этиш кечикирилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш пудратчини ишларни бажариши ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан ва шартнома бўйича олган бошқа мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

14.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларининг зарур тарзда бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаринидан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни

көлапцда пайдо бўладиган низоли масалалар тарафлар томонидан ўзаро хал қилинади. Тарафлар ўзаро келишга олмаган тақдирда низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Наманган филиали банк хизматлари оғиси жойланган жойдаги иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Мазкур шартнома икки томононлама имзолангандан кейин кучга киради ва тарафлар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади, мазкур шартномага тегишли бўлган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар ўртасида ёзма шаклдаги келишув билан киритилади.

16.2. Пудратчи Таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли ин ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи шахслар томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.


16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равинда тасдиқлани керак.

16.5. Мазкур шартнома назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга.

## XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

<p>“Пудратчи” “UYCHI MEGA STROY” МЧЖ х\р: 20208000400324026001 МФО: 00440, АТБ Ўзсаноатқурилишбанк Наманган филиали БХО СТИР: 302944785 Тел: 90-214-11-11, 99-511-51-11</p> <p>Директор  З.Сирожиддинов</p> <p></p>	<p>“Буюртмачи” “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Наманган филиали БХО Наманган шаҳри, Янги Наманган тумани, И. Каримов кўчаси, 19-уй. х\р: 19907000400011083150 МФО:00440 “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Наманган филиали СТИР: 200 833 707 Тел: 69-234-13-85, 69-234-32-90 Бошқарувчи  М.И. Гайбуллаев</p> <p></p>
---	---

